



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021-yil 12 - aprel

744 k -son

**Bog‘ot shaharchasi**

Фуқаро Худойберганов Мақсуд Бекчановичнинг турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида

Боғот тумани “Обод” маҳалласида яшовчи фуқаро Худойберганов Мақсуд Бекчановичнинг “Обод” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 25 мартдаги ШЯ-Х-1297-сонли аризасини, “Обод” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Боғот туман филиалининг 2021 йил 24 мартдаги 969-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Обод” маҳалласида жойлашган 5 (беш)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 72,68 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 1 (бир)та бўлиб, ички ўлчами 42,48 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 115,16 квадрат метр, қурилиш ости майдони 162,56 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Худойберганов Мақсуд Бекчановичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.


2. Фуқаро Худойберганов Мақсуд Бекчановичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳукуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Худойберганов Мақсуд Бекчановичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

· **Боғот тумани ҳокими**



**Ш.Яхшибаев**